

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 331.1 (575.1)

САТТАРОВ ДИЛШОД ОРИФОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

70310102– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори, доц. Н.Ражабов

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

29 — сонли баённома « 24 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: Ражабов Н.


_____ _____
имзо сана

Магистрант: Саттаров Д.


_____ _____
имзо сана

Диссертация Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 30 ” 05
№ 1/28 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов _____

“ 8 ” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 31 ” 01 соат 10⁰⁰ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда инновацион таълим ривожланиши инсон капиталини шакллантиришда янги тенденцияларни келтириб чиқармоқда. Инсон ва унинг билим ва кўникмалари давлат иқтисодиётининг асосий омили ҳисоблангаб инсон капитални, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини устувор йўналиши ҳисобланади. Университетларнинг инсон капиталини шакллантиришдаги замонавий тенденцияларнинг номувофиқлиги, уларнинг ривожланиши жараёнида улар олдида турган янги вазифаларни кўрсатмоқда. Маълумки, инсон капитални уни бошқаришнинг онгли, мақсадли ва тизимли жараёни шартидагина шаклланиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва амалиёти кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган инвестиция мамлакатнинг юксак ривожланишига олиб боради. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ этилган. Ҳар бир мамлакат миқёсида инсон капитални тизими ёндошувининг қисқача мазмуни, функциялари, асосий дастаклари, устунлик ва камчиликлари келтирилган. Аниқланган муаммоларни ечиш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар, илмий янгиликлар ва хулосалар шакллантирилди ҳамда ҳар бир янгиликка мос хулоса ва таклифлар келтирилди.

Калит сўзлар: *Инсон капитални, меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти, инсон омили, ишчи кучи, меҳнат ресурси, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили, инсон капитални.*

ANNOTATION

The development of innovation education in Uzbekistan brings new trends in the formation of human capital. Man and his knowledge and skills are considered the main factor of the state economy, as well as human capital, the priority direction of the socio-economic development of the state. The inconsistency of modern trends in the formation of human capital of universities indicates the new tasks facing them in the process of their development. It is known that human capital can be formed only under the condition of a conscious, purposeful and systematic process of its management. Experience and practice of developed countries show that investment in human capital leads to the high development of the country. In Uzbekistan, areas of development of human capital and increase of labor productivity were studied. At the scale of each country, a summary, functions, main supports, advantages and disadvantages of the approach to the human capital system are presented. In order to solve the identified problems, proposals and recommendations for the development of human capital and increasing labor productivity have been developed. In Uzbekistan, the established tasks for the development of human capital and the improvement of labor productivity, scientific innovations and conclusions were formed, and conclusions and suggestions were drawn corresponding to each innovation.

Keywords: *Human capital, labor productivity, labor force, labor resources, labor potential, human factor, labor force, labor resource, Labor potential, human resources, human factor, human capital.*

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	7
	Дисертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
	Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	8
	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	9
	Тадқиқот ишининг объекти ва предмети.....	9
	Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.....	10
	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	10
	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
I БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ВА ТАҲЛИЛИ	12
1.1.	Манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари	12
1.2.	Тадқиқот бўйича ўрганилган адабиётлар шарҳи.....	14
1.3.	Тадқиқот гипотезаси.....	17
II БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	20
2.1.	Тадқиқот назарий ва методологик асослари	20
2.2.	Маълумотларни тўплаш жараёни.....	21
2.3.	Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	22
III БОБ.	ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР	23
3.1.	Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.....	23
3.2.	Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлашни такомиллаштириш йўллари.....	39
3.3.	Инсон капиталидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш	51
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	65
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденциясининг кўрсатишича, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида билим, маҳорат, малака, ўқишини давом эттиришга булган қобилият ва эҳтиёж алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро рейтинг агентликларининг маълумотига кўра, 2035 йилгача бўлган даврда замонавий глобал меҳнат бозори қўйидаги хусусиятларни касб этади. “Глобал меҳнат бозори автоматлаштириш ва макбуллаштиришдан иборат булиб, ишчи кучининг бўшаб қолишига олиб келади”. 2025 йилга келиб роботлаштириш билан боғлиқ иш жойларининг қисқариши 10-30 фоизни ташкил этади, қишлоқ жойлари ва кичик шаҳарлар хавф гуруҳига киради, HR функцияси ҳам ўзгаради, улар ҳам автоматлаштирилади, фрилансерлар “ишчи кучининг 50 фоизини ташкил этиб, глобал бандликнинг 44 фоизи уларнинг улушига тўғри келади”. Бу эса, ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда миллий бойликдаги инсон капитални улуши 80 фоизгачани ташкил этади. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифати, инсон капитални ривожини таълим тизимининг ривожланиш даражаси, сифати ва рақобатбардошлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда инсон капиталини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт ва рақамли технологияларни ривожлантириш шароитида инсон капиталини ривожлантиришни тартибга солувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, миллий иқтисодиётни